

УЛОҚ (КЎПКАРИ)

НАРГИЗА ИСОҚОВА,

НамДУ Ижтимоий фанлар факультети

Тарих кафедраси ўқитувчиси

Аннотация: Бу мақолада улоқ (кўпкари) ўйини ёритиб берилган.

Калит сўзлар: Ўйин, халқ ўйинлари, улоқ, кўпкари, от, отлик, тўй, чорвадор.

Кўпкари от энг қадим замонлардан буён инсонга холис хизмат қилиб келмоқда. Этнографик маълумотларга кўра, от милоддан тахминан уч минг йил муқаддам қўлга ўргатилган. Бу жониворнинг дунёда икки юздан зиёд зотлари мавжуд.

Кўпкари (қирғизларда «қоқ пари», тожикларда «бўзкаши» дейилади) ва «Кўк бўри» маъносини билдиради. Қадимда кўчманчи қозоқ ва қирғизлар чорвага хавф-хатар туғдирган, таҳдиди солган бўриларни то ҳолдан тойгунча отда қувганлар. Бу эса чўпон, чавандоздан топқирлик, эпчиллик, отнинг эса чопқирлигини тақозо этган. Кўпкари азал-азалдан эл севган ўйинлардан бир ҳисобланади. Ўзбеклар ва Ўрта Осиёнинг бошқа халқлари ўртасида оммавий тарзда кенг тарқалган. Ўзбекларда бу қадимги от ўйини «улоқ» деб ҳам аталади.

Кўпкари – бу чавандознинг от устида мусобақа шартларини бажариб, ғолиб чиқиши учун курашидир. У яккама-якка жанг, беллашув ҳисобланади. Мусобақанинг асосий шarti ўртага ташланган улоқ танасини чавандоз тақимига сони билан арғумоқ сағриси орасида қисиб майдонни гир айланганча белгиланган манзилга ёки баковулбоши бошлиқ ҳакамлар ёнига, баъзан давранинг энг четига ташлашдир. Қариндош-уруғ бўлган чавандозлар ўртага қўйиладиган совринни олиш учун бирга ҳаракат қилганлар.

Ўтмишда ўзбекларнинг ўзига тўқ ҳар бир хонадонида битта, бойларда эса уч-тўртта зотдор от бўлган. От эгаси ёки махсус чавандозлар ёллаб кўпкари чопилган. Бу ўйин одатда кеч куз ёки киш ойларида уюштирилган. Унга тайёрланиш учун отлар эрта баҳордан бошлаб боқилган. Улоқчи отни қандай тарбиялаш, парвариш қилиш, кўпкаридан сўнг совутишни махсус малакали киши «сайис» ёки от эгаси бажарган. Чавандозлик авлоддан-авлодга ўтиб келаверган. Отлар иссиқ ва совуқдан сақланган, доимо боғланган ҳолда турган, оғир юк ортилмаган, бегона кўзлардан асралган.

Улоқ халқ ўйини, асосан, 2 қисмдан – солим (қоқма) ва пойгадан иборат. Солим (қоқма). Чортоқ устидаги баковуллар (ҳакамлар) улоқ (сўйилиб ички аъзолари, бош ва оёқлари кесиб олинган эчки ёки бузоқ)ни тўдага ташлайдилар.

Тўдадаги чавандозлар улоқни олиб, тортишиб, энг кучлиси улоқни маррага етказиб бериши даркор. Ким улоқни маррага ёлғиз ўзи ҳалол олиб келса, унга аввалдан белгиланган мукофот тақдим этилади. Катта тўйларда мукофотга пул, мато, кийим, гилам, кўчқор ва бошқа нарсалар қўйилади. Пойга 2 турдан иборат: отда чавандознинг пойгаси ва улоқ чопиш пойгаси. Улоқ билан пойгада белгиланган жойдаги улоқни олиш учун ҳакамлар руҳсат бергандан кейин чавандоз от чоптириб бориб улоқни ердан кўтариб олиши ва маррага етказиши керак.

Чорвадор халқларда улоқ ўйинининг «Кок бору» деб аталишига сабаб, бир вақтлар бўрилар кўпайиб, чорвадорларга кўп талофатлар етказган экан. Шунда уруғ оқсоқоллари йиғилишиб, ўз қавмларининг жасур, мард йигитларига от миниб, бўриларни қувлашни ва тутиб ўлдиришни буюрган эканлар. Бўрини ўлик ёки тирик ҳолда тутиб келтирган йигит мукофот билан тақдирланган экан. Йигитлар бўрининг думидан ушлаб, тақимига босиб, бошини ерда судраб, тошларга уриб ўлдиришган. Кейинчалик бўри танасини от билан чопиш машқлари ёшларга ҳам ўргатиб борилган. Шундай қилиб кўчманчи чорвадор халқ бўрилар таҳдиди, офатидан қутилиб қолишган экан. Бўри овлаш атамаси кейинчалик кўпкари, «Кок бору» номлари билан эчки танасини чопиш, халқ ўйинига айланган.

Тарихий манбаларда от танлаш ва уларнинг фазилатлари ҳақида нималарни билиш кераклиги билан боғлиқ кўплаб маълумотлар келтирилган. “Қобуснома”да отнинг яхши ва ёмон фазилатларини унинг бош қисми ва рангидан билса бўлади, дейилади. Яхши кўркама отни “байгара” қопламали деб атайдилар. Унинг тиши нозик, пайваста ва оқ бўлади. Пастки лаби узунроқ, бурун тешиклари баландроқ ва кенг, пешонаси кенг, қулоқлари узун ҳамда қулоқлари ораси очик, бўйни тўғри, бўйнининг туби йўғон ва орқаси баланд, ўмрови (кўкраги) кенг, олд ва орқа оёғининг орқаси очик, қуйруғи (яғри) қаттиқ ва узун, думғазаси нозик ва қисқа, орқа сонининг ички қисми, кўз ва киприклари қора бўлиши ҳар бир яхши отда кузатилиши қайд этилади.

Одатда, отлар ва чавандозларни майдонга кириш олдидан қизитиш учун «Қоқма» ўйини уюштиришган. Ўртага навбат билан икки-учта улоқ ташланган. 6 – 8 ойлик ёки бир ёшгача бўлган эчки боласи улоқ деб аталади. Чавандозлар уни тўдадан олиб чиқишга интилганлар. Бунга эришган чавандозгина шу улоқни олган. Баъзан улоқ чавандозлар орасида бўлиб олинган. «Қоқма» 1,5 – 2 соат давом этиб соврин берилмаган. «Қоқма» тугаб, отлар совутилгач, асосий ўйин – кўпкари бошланган.

Кўпкарида тўй эгаси томонидан ўзининг иқтисодий аҳволига қараб 6 – 8 ойликдан бир ёшгача бўлган серка, такалар, баъзан 6 – 8 ойлик новвос ҳам ташланган. Серка ёки ёш такани сўйиб, калла ва туёқлари ҳамда ички аъзолари

олиб ташланади. Улоқлар чортоқнинг олдида сақланган. Навоий асарлари луғатида «Чортоқ» сўзи – «Тўрт гўшали; тўрт бурчакли чодир; тўрт гумбаз» дея изоҳ берилган. Бизнингча, улоқ майдони ҳам, тўрт бурчакдан иборатлиги учун ҳам мана шу сўз қўлланса керак.

IX асрнинг 40- йилларида Мовароуннаҳрдан шимоли-шарқда Қарлуқлар давлатининг ташкил топиши ўзбек халқи этногенезида муҳим воқеа бўлган. Қарлуқ турклари атрофига ўтроқ, ярим ўтроқ ва чорвадор туркий қабилалар бирлашиб, кучли сиёсий давлат уюшмаси таркиб топди. Қарлуқлар милодий VI – VII асрлардаёқ Ўрта Осиёнинг шимолий ва шимоли-шарқий худудларининг катта қисмини эгаллаган эдилар. Улар бошқа туркий қабилалар билан биргаликда Жанубий Қозоғистон, Тошкент воҳаси, Зарафшон ҳавзаларигача, уларнинг айрим гуруҳлари Тоҳаристонгача кириб борган эдилар.

Қарлуқлар одатда ўғлоқни ўғил кўрганларида, биринчи ўғлининг соч тўйи, суннат тўйи ҳамда ўғил уйлантирган чоғда ўтказганлар. Ўйинда тўйга таклиф этилганлар, ҳамқишлоқлар, оти борлар қатнашишига рухсат берилган. Битта ўғлоқда 200 ёки 300 отлиқ қатнашган. Ўйин учун бир ёки бир нечта эчкини сўйилган. Ўйинни яхши ўтказиш учун, катта баковул ва икки ёрдамчи баковулларни тайинланган. Баковулбоши совғаларни голибларга улашган. Баковулбоши ушбу спорт ўйинининг ўзига хос қозисидек бўлган, унинг ёрдамчилари эса ўртага улоқчани улоқтирган. Голибга чорва ҳайвонлари, гилам, пул мукофот сифатида берилган. Голиб улоқни тортиб олиб, оломон ичидан олиб чиқиб, керакли манзилгача олиб бориши керак бўлган. Агар баковул «халол» деса у ютган, «ҳаром» деса ютказган ҳисобланар эди. Улоқни ёрдамчи олиб келгандан сўнг, баковул уни яна оломон ичига ташлайди, бу ҳолат токи улоқ майдаланиб кетмагунча бир неча бор такрорланади. Ундан кейин бошқа улоқ ташланади, ўйин шу тарзда совға тамом бўлишига қадар давом этади. Ўйин жисмоний жиҳатдан катта аҳамиятга эга, аммо отлиқларнинг эҳтиётсизлиги туфайли ёки қалтис ишқибозликлар туфайли улоқчиларнинг ногирон бўлиб қолиши ёки ўлимига ҳам сабаб бўлиши мумкин. Қарлуқлар ва Ўрта Осиё халқлари ҳайвонлар ўртасида жанглар уюштиришни яхши кўрганлар. Жумладан: туя, кўчқор, така, хўроз уруштириш. Ишқибозлар учун бу бир қизиқарли ўйин бўлса-да, ташкилотчилар учун бу қиморбозлик ўйини эди. Бу курашларда улар катта бойликлар ютқазган, баъзида ютишган.

Турли этносларнинг бир шакл, мазмундаги ўйинлари одатда турлича номланади. Масалан, русларнинг от устида бажарадиган ўйинлари «Козлодрание», қозоқларда «Жокпар», қирғизларда «Улактарўш», ўзбекларда «Улоқ», тожикларда «Бузкаши» деб аталади. Ҳар қандай ўйин, жумладан, кўпқари ҳам кўнгли бўш одамларни ёқтирмайди. Рақибингга шафқат қилдингми,

у сени янчиб ўтади. Қадимдан ҳаётнинг азалий қонуни ҳам «социал дарвинизм», яъни кучлилар ютиб чиқади, деган қоидага асосланган.

Кўпқарида чавандознинг бирор жойи синадими, узиладими, туёқлар остида қоладими ё у ўладими бунга ҳеч ким жовоб бермайди. Кўпқари – кўк пар – кўк бўри маъносини англатадиган бу қадимий ўйиннинг қизиғи, шуҳрати, бир вақтнинг ўзида фожеа си ҳам шунда. Шу боисдан ҳам болалар ушбу мардлик, шижоатга чорловчи ўйинни қизиқиб томоша қилиб, унинг қонун-қоидаларини жиддий равишда ўрганиб борганлар.

Ат устундо ойноо – қадим замонлардан бери қирғиз халқи орасида кенг тарқалган. Бу ўйин катта байрамларда, одамлар кўп йиғиладиган, текис жойларда ўтказилган. Отлиқ тезкорлик билан ўз оти ёрдамида мураккаб гимнастик машқларни бажарган. Ахборотчилар маълумотларига кўра, «Ат чабўш», «Улақ тартўш», «Байге», «Кок бору», «Оодарыш» каби қирғиз халқ ўйинлари катта маҳорат билан ижро этилган.

«Оодарыш» ўйини жуда машхур бўлган бўлган. Бу ўйин рақибини отдан оғдаришдан иборат эди. Бу ўйинда кучли, эпчил эркаклар ва баъзан аёллар ҳам қатнашган.

Суннат тўйидан бир кун аввал қирғизларда «Улақ тартўш», «Оодарыш» ўйинлари ўтказилган.

Улоқнинг спорт тури сифатида халқаро миқёсида 38 мамлакатда (2004 йил) тан олинишида Ўзбекистон от спорти ва улоқ федерацияси томонидан Улоқ мусобақаларининг умумий қоидалари ишлаб чиқилиши ва Халқаро «кок бору» (Улоқ – кўпқари) федерациясининг таъсис этилиши (2001 йил 7 –11 ноябрь. Бишкек)нинг аҳамияти катта бўлди. Ўзбекистонда туман, вилоят, республика мусобақаларини уюштирадиган алоҳида Улоқ –кўпқари федерацияси тузилган. (2002 йил 29 апрель).

Тарихий манбаларда қайд этилишича, ўзбекларнинг миллий спорт ва халқ ўйинлари аҳолининг яшаш шароитига боғлиқ равишда хилма-хил бўлган. Улар орқали ёшлар фаол, сермахсул фаолиятга тайёрлаб борилган. Бундай ўйинларни ўрганиш ҳамда моҳиятини очиб бериш ва ёш авлодга кўпроқ тарғиб-ташвиқ этиш маънавий-маърифий ишларни янги босқичга кўтаришга хизмат қилади, ғоявий, тарбиявий фаолият мазмунини чуқурлаштиради.

Адабиётлар рўйхати:

1. Жалилов И. Ўзбек халқи анъанавий байрамлари, сайиллари ва ўйинлари. – Қарши. 2005. – Б. 43, 45, 46.
2. Улоқ. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Ж. 9. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2005, – Б.74.

3. Йўлдошев С., Жўраев Н. Улоқ – шижоатли ва жасур суворийла рўйини. – Фарғона. 2002. – Б. 33.
4. Кайковус. Қобуснома. – Тошкент: Истиқлол, 1994. – Б.81 – 84
5. Навоий асарлари луғати. П. Шамсиев, С. Иброҳимов. / Ғ. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. – Т.: 1973. – Б. 683.
6. Асқаров А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. – Т.: «Университет», 2007. – Б. 249.
7. Шаниязов К. Узбеки карлуки. – Т.: Наука, 1964. – С. 177.
8. Бўлеева Л. В., Григорьев В. М. Игры народов СССР. – М.: Физкультура и спорт, 1985. – С. 7.
9. Касен А. Киргизские игры и развлечения. – Бишкек. Илим, 2004. – С. 15 – 16.
10. Ильясов С. И. История Киргизской ССР. Т. 2. – Фрунзе. 1986. – С. 233.
11. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Т.: ЎзМЭ Давлат илмий нашриёти, 2005. Т. 9. – Б. 74.
12. Дала ёзувлари: Қўзиқулова Ф. 1930 йил. Наманган вилояти, Янгиқўрғон тумани Нов қишлоғи, Бешчинор кўча. 56- уй.
13. Дала ёзувлари: Сурунчиев Қ. 1930 йил. Наманган вил., Янгиқўрғон тумани Нов қишлоғи. А. Тўрақелдиев кўча. 16- уй.